



Маълумотларга кўра, Хиндистонда йилига бир ярим миллиард саёхатчи меҳмон бўлади. Хинд давлати ҳар йили айнан шу соҳадан 2,5 млрд. доллар фойда кўради. Бугун дунёдаги аҳоли сони бўйича энг йирик, Хитойдан кейинги иккинчи давлат, ўз ядро қуроли ва фазода учта сунъий йўлдошига эга бўлган ҳамда жаҳон микёсида бетарафлик сиёсатини олиб боргани учун атрофига 120 давлатни жамлаган Хиндистондаги Тожмахал ҳақида гаплашамиз...

Пойкадамига бир кунда дунёнинг олти китъасидан ўн беш мингга яқин зиёратчи келадиган Тожмахал Бобурийлар сулоласининг вакили Шох Жаҳон томонидан бунёд этилган...

### **ХИНДИСТОН ҲАКИДА ФАКТЛАР**

Замонавий Хиндистон бутун дунё кино бозорининг тўртдан бирини қамраган. Голливудда бир йилда 400 та фильм ишланса, Болливудда бу рақам 800 тани ташкил қилади.

Хиндистон шимолдан Афғонистон, Бутан, Хитой ва Непаль билан чегарадош, Шарқдан эса, Бангладеш ва Мьянма (Бирма), Ғарбдан Покистон билан чегарадош. Хиндистонни Шарқда Бенгал кўрφαзи, жанубда Полк бўғози ва Хинд океани, Ғарбда эса Араб денгизи ювиб туради.

### **АСОСИ — МУҲАББАТ, РАМЗИ — САДОКАТ...**

1612 йил. Бобурийлар салтанатининг шахзодаси Шохжаҳон 19 ёшли қамбагал қиз Мумтозмаҳалга уйланади. Улар ўн етти йиллик саодатли турмушлари мобайнида 13 та фарзанд кўришади. Бирок 14-чи фарзанд дунёга келиши арафасида Мумтозмаҳалбегим ёруғ оламдан кўз юмади. Бу айрилик ҳукмдорни тамомила танг аҳволга солди. Орадан бир йил ўтгач, у ўз маҳбубасига атаб дунёда тенгсиз обида бунёд этишга қарор қилди.

Шарк тарихидаги энг вафодор ва садокатли тож сохибларидан бири Шохжахон Мумтозмахалбегим вафотидан сўнг яна 31 йил умр кўради. Бу умрни у ёлғизлик, айрилик азоби, садокат ва вафо алангасида ўтказди.

### ТОЖМАХАЛ ТАРИХИДАН

1631 йилда бошланган қурилиш ишлари нақ йигирма йил давом этди. Аграда, Жамна дарёси соҳилида бунёд этилган бу бетакрор обида Шарку Гарб меъморчилигининг энг нафис жиҳатларини ўзида акс эттирган. Ундаги оппоқ мрамрлар 300 чақирим наридан ташиб келтирилган. Қурилишда турли мамлакатлардан келган уста ва хунармандлардан ташкил топган 20 минг одам меҳнат қилади. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу ерда Самарқанд ва Бухородан ҳам кўли гул усталар иштирок этган.

#### Тож Махал хақида фактлар

Обиданинг умумий баландлиги 74 метр.

Макбара лаҳорлик Усто Аҳмад ҳамда турк меъмори Мухаммад Исоҳон афанди бошчилигида қурилган.

Ёдгорликнинг тўрт томонида жойлашган тўртта минорадан ҳар бирининг баландлиги 45 метр

Тожмахал қурилган Агра шаҳри Дехлидан 200 километр узокликда жойлашган.

Макбарага учта – шарқий, жанубий ва гарбий дарвозалар орқали қирилади.

Макбара атрофидаги 18 гектар майдонда бог барпо этилган.

Тож Махал мажмуини ҳар бир ташриф буюрувчи оёқ қийимсиз зиёрат қилиши шарт!

Самолётларга Тож Махал устидан учиш тақиқланган.

### АМАЛГА ОШМАГАН ОРЗУ

Шохжахон бу обиданинг қаршисида, Жамнанинг нариги қиргоғида ўзи учун ҳам алоҳида макбара бунёд этмокчи эди. Ушбу макбара ҳам айнан Тожмахалнинг кўчирмаси бўлиб, факат қора мрамрдан ишланиши ва махсус кўприк билан бириктирилиши лозим эди. Бирок, шохнинг нияти амалга ошмади.

Кўп ўтмай, валиаҳд шахзода Аврангзеб отасига қарши исён қўтариб, тахтни эгаллайди.

Отасини эса уй қамоғига ҳукм этади. У факатгина ўзи хиёс этилган хужранинг дарчасидан Тожмахални кўриб турарди, холос. Буюк ҳукмдор шу ерда бандалиқни бажо келтиради. Васиётига кўра, уни худди шу макбарада, севгилисининг ёнида дафн этадилар.

### **Бугунги кун: ТОЖМАХАЛДА ЖОНИГА КАСД КИЛГАНЛАР**

Бугун Тожмахал пойига зиёрат учун келадиганларнинг аксариятини севишган ёшлар, турмуш курганлар ташкил этади. Япон, француз, инглиз, рус йигит-кизлари бу ерда бир-бирлари билан ахду-паймон килишар, бир умр мухаббат ва садокат билан яшаш учун сўз беришар экан.

Иншоотнинг орка томонида Жамна дарёси окади. Унинг нариги соҳилида курилиши бошланиб, битмаган обидага кўзингиз тушади. Севгилисига етишолмаганлар эса бу ерда тавалло килишар, хатто, айрилик ва хижрон догига чидолмаганлар, хиёнат чоҳига йикилганлар, минора тепасига чикиб ўзларини ерга ташлашлари ҳам кайд этилган.

### **ТОЖ МАХАЛ КУЛАЙДИМИ?**

Тадкикотчи олимларнинг фикрига кўра, Хиндистоннинг юзи бўлмиш Тож Махал хавф остида. У якин келажакда вайрон бўлиши мумкин. 360 йиллик меъморчилик обидасининг кизил ёғочдан килинган пойдевори яқинидаги дарёнинг суви камайгани сабабли куриб, ёрилиб кетмокда. Агар тезкор чоралар кўрилмаса, Тож Махалнинг пойдевори мармар гумбазлар ва миноралар огирлигини кўтара олмай, тез орада емирилиб кетиши мумкин. Хинд экологларининг айтишича, дарё сувини маълум сатҳда ушлаб туриш учун дамба куриш керак. Бу эса 71 минг фунт стерлингга тушади.

### **САЁХАТЧИЛАР УЧУН**

Хиндистонга туристик мавсум октябр ойдан март ойигача амалга оширилади Чунки бу вақтда муссон ёмғирлари ва иссик ойлاردан сакланиш имкони бор. Саёхат килиш учун энг маъкул вақт ноябр ва декабр ойлари.

Пул бирлиги – хинд рупияси, 100 пайсага тенг. Хорижий валютани олиб кириш чегараланмаган, миллий валютани олиб чиқиш эса таъқиқланган. Пулни айирбошлаш шахобчаларида, меҳмонхоналарда алмаштириш мумкин. Меҳмонхона ва дўконларда кредит карталари кабул килинади: Visa, American Express, Master Card ва бошқалар. Пулни алмаштирганлик квитанциясини саклаш лозим. Мазкур квитанциялар чипта олиш вақтида ва рупияни валютага алмаштириш вақтида керак бўлади.

### **БИЛАСИЗМИ?**

Хиндистонда 18 та расмий тил бор, шунингдек, инглиз тили – иш юритиш ва расмий хужжатлар учун ишлатилади. Барча билимдон кишилар, шунингдек, туризм соҳасига алоқадор касбдагилар инглиз тилида гапирадилар, баъзан эса, Дехлида рус тилида ҳам сўзлашади.

Хиндистон – харидор учун хақиқий жаннатнинг ўзгинаси. Бозорларда албатта савдолашинг, молнинг нарҳини 2-3 баравар тушириш мумкин. Хиндистонда матолар сифатли ва унчалик қиммат эмас.

Хиндистон худудига кириш учун виза керак

Транзит визасини олиш учун хужжатлар:

- чет эл паспорти (амал қилиш муддати - 6 ой);
- аризачи томонидан тўлдирилган ва имзоланган 2 нусхадаги декларация;
- кириб келаётган давлат визаси;
- аввалги давлатдаги барча авиачипталар;
- 2 та анкета (инглиз тилида тўлдирилади);
- 3x4 ҳажмдаги 2 та фотосурат.

### **“БИРОВНИ ЎГРИ ТУТМАНГ”**

Энг аввало, бу ерда “ўзингга эҳтиёт бўл, бировни ўгри тутма” деган ақидага амал қилиб юрсангиз, ютказмайсиз. Агар сиз Хиндистонга саёхат қилмоқчи бўлсангиз, иккинчи синф вагонларида сайр қилишни тавсия этамиз. Юқингиз билан хайрлашмоқчи бўлмасангиз, уни ҳеч қачон назоратсиз қолдирманг. Яна шуни унутмангки, Хиндистоннинг йирик шаҳарлари йўлларида энг кўп қурбонлик автомобиль ҳалокати туфайли юз беради. Шу боис автомобилга фақатгина ҳайдовчининг уста ва тажрибали эканлигига ишонч ҳосил қилгачгина ўтириш мумкин. Шунингдек, Хиндистонда йўл ҳаракати чап томонда эканлигига ҳам эътибор беринг.

### **Биласизми?**

Чап томондаги ҳаракат – атиги бир нечта давлатларда бор ажойибот. Статистикага кўра, сайёрамизда бундай давлатлар сони 71 тани ташкил қилади. Булар, Австралия ва Буюк Британиядан бошлаб, Япония, Янги Зеландия ва Хиндистон билан тугайди.

### **Маълумот учун:**

Хиндистонда ҳар 1000 кишига 12 донадан автомашина тўғри келади.

Шох ЖАХОН тайёрлади